

“МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ ТАЪМИРЛАНГАН МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ”

**Қиличев Шухрат Ахтамович (СамДУ магистранти)
Н.А.Аванесова (СамДУ профессори)**

Мақолада Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳри ва вилоятидаги таъмирланган маданий мерос объектлари ҳақида фикир ва мулоҳазалар келтирилган.

Ўзбекистон ўз Мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданок, Президентимиз И.А.Каримов халқимизнинг бир неча минг йиллик бой ва ранг-баранг тарихини, бетакрор маданий меросини сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида катта тадбирларни амалга оширди. Ҳозирги кунларда маданий меросимизни асраш ва улардан фойдаланиш давлатимизнинг устивор вазифасига айлангандир¹.

Энг муҳими бу борада муҳим қонунчилик асосларини яратилиши бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Парламентимиз томонидан 2001 йил 30 августда №269-II-сонли “Маданий мерос объектларини муҳофаза ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг² ва 2009 йил 13 октябрда №ЎРҚ-229-сонли эса “Археологик мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг³ қабул қилиниши юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Маълумки, Самарқанд шаҳри ва вилояти маданий меросга бойлиги жиҳатидан алоҳида ўринда туради. Бу вилоятда олиб борилган илмий тадқиқотларнинг кўрсатишича бу ерда маданий меросимизнинг олтига категорияси мавжуд бўлиб улар қуйидагилардан иборатдир: **1.** Археологик ёдгорликлар; **2.** Ансамбль ва мажмуаларни ташкил этган алоҳида моддий меъморий ёдгорликлар; **3.** Вилоятнинг диққатга сазовор (зиёратгоҳ) жойлар маданий мерос объектлари; **4.** Шаҳарлардаги меъмориал лавҳалар; **5.** Меъморий маданий мерос объектлари; **6.** Шаҳарлардаги монументал ёдгорликлар;

Бу маданий мерос объектларининг ҳар бирини ўтмиш тарихимизда ва бугунги кунимизда алоҳида ўрни бордир.

Маълумки, собиқ советлар даврида маданий меросимизни сақлашга етарлича эътибор берилмаганлиги учун уларнинг айримлари бутунлай вайрон бўлиб кетди, айримлари қаровсизликдан вайрона ҳолатга тушиб қолди. Энг ачинарлиси, Самарқанд шаҳридаги бебаҳо меъморчилик

¹ И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч”. Т., 2008 й. 165-бет.

² 2001 йил 30 августда №269-II-сонли “Маданий мерос объектларини муҳофаза ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент ш.

³ 2009 йил 13 октябрда №ЎРҚ -229-сонли “Археологик мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент ш.

ёдгорликларининг ёнига ёки атрофига ҳар хил иншоатлар қурилганлиги туфайли шаҳримизнинг тарихий қиёфасига путур етди. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, меъморчилик ёдгорликларимиз замонавий иншоотларнинг қуршовида қолиб кетди. Бундай ачинарли аҳволга барҳам бериш учун Юртбошимиз аниқ тавсиялар ва кўрсатмалар бердилар.

Шундан сўнг Самарқанд шаҳри ва атрофида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Маълумки, XVI асрда Мавороуннахрнинг диний ва маънавий ҳаётида улкан хизматлар қилган Хожа Аҳрори Валий Самарқанд туманидаги қабристонга дафн қилинган. Халқимизнинг азиз зиёратгоҳига айланган бу қабристон сўнгги асрларда анчайин қаровсиз аҳволга тушиб қолган эди. 1996-1998 йилларда бу қабристонда катта ободончилик ишлари олиб борилиб ошиқча, кераксиз иншоатлар олиб ташланди, қабристоннинг атрофи тозаланди ва бу ерда барпо қилинган масжид таъмирланди. Ҳозирда бу ерга зиёратга келганлар қилинган ишларга таҳсин айтадилар.

Самарқанднинг шундай улуғ жойларидан бири, шаҳарнинг эски қисмида жойлашган Чокардиза қабристониدير. Ислом дунёсининг энг машҳур алломалари, шайхлари дафн қилинган бу қабристон XX асрнинг 50 йилларида бутунлай вайрон қилиниб устига турар жойлар қурилган эди.

1999 йили Имом ал-Мотридий таволлудининг 1200 йиллигини нишонлаш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг Қарори чиқди. Ушбу Қарорда Имом ал-Мотридий дафн қилинган Чокардиза қабристонида тадқиқолар олиб бориш ва алломанинг қабрини топиш ҳам кўрсатилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиси Археология институти олимлари бу ерда турт ой мобайнида тадқиқотлар олиб боришиб Имом ал-Мотридий ва яна ўттизга яқин алломаларнинг қабрларини аниқладилар. Шундан сўнг Имом ал-Мотридий қабри устига ҳашаматли мақбара буёнд қилинди ва алломанинг 1200 йиллик юбилеи юртбошимиз иштирокида нишонланди. Ҳозирда Имом ал-Мотридий дафн этилган Чокардиза қабристони халқимиз учун муқаддас зиёратгоҳда айланган⁴.

Самарқанд шаҳрида қилинган ободончилик ишлари ҳақида гапирганда 2004 йили Шоҳи-Зинда меъморчилик ансамблида қилинган ишларга алоҳида тўхталмоқ лозимдир. Маълумки, ушбу меъморчилик мажмуаси VIII асрдан бошлаб шаклланиб Амир Темур ва Темурийлар даврига келиб яхлит, обод ва кўркем зиёратгоҳга айланган эди. Амир Темур, Мирзо Улугбек ва бошқа амалдорлар бу мажмуани шаклланишида катта хизматлар қилганлар, бу муқаддас зиёратгоҳда Қусам ибн Аббосдан тортиб бир нечалаб Темурий маликалар, амалдорлар обадий ўйқуда ётибдилар. Йиллар утиши билан Шоҳи-Зинда мажмуасидаги айрим иншоатлар кўмилиб кетган эди. Бундан ташқари сўнгги йилларда бу ердаги мақбараларнинг тагига қабрлар казилиб марҳумлар дафн қилинганлиги сабабли тупроқ сатҳи кўтарилиб кетиб натижада бу ердаги мақбараларнинг деворлари шўрлаб кетган эди.

⁴ Чокардиза буйича ҳисобот. Ф.4 О.1. Д.275

2004 йили Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиси Археология институти билан ҳамкорликда олиб борилган тадқиқот ва ободонлаштириш ишлари натижасида Шоҳи-Зиндага кираверишда ноёб обида топилди. Бу XIV асрда барпо қилинган таҳоратхонанинг қолдиқлари эди. Маълумки, қадимда бу зиёратгоҳга келганлар аввал таҳорат қилишиб сўнгра мажмуага кирганлар. Шунингдек бу ерда қорахонийлар даврида барпо қилинган ҳашаматли мадраса ва масжиднинг қолдиқлари ҳам топилди. Бу топилмалар Шоҳи-Зинда мажмуасини тарихини ойдинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга тадқиқотлар пайтида мақбараларга тақаб қўйилган қабрлар ҳам бошқа жойларга кўчирилиб иншоатларнинг пойдеворлари очилди⁵.

Натижада деворлар ва пойдеворларнинг нам тортиб шўрлашига чек қўйилди. Шоҳи-Зинда мажмуаси атрофига сўнгги йилларда қурилган ҳар хил баланд паст иморатлар кўчирилди. Бу тадбирлар натижасида Шоҳи-Зинда мажмуаси худди Амир Темур ва Мирзо Улуғбек давридагидек ўз тарихий қиёфасига эга бўлди. Қадимий Самарқанддаги тарихий обидалар ҳақида сўз кетганида, Амир Темур жомеъ масжиди ва унинг қаршисидаги Биби-Хоним мақбарасига алоҳида тўхталмоқ лозимдир. Бу иккала обида ҳам сўнгги йилларда ҳар хил замонавий иншоатлар қуршовид қолган эди. Олиб борилган ободончилик ишлари натижасида бу икки тарихий обида атрофидаги ошиқча бинолар, дуқонлар кўчирилди. Натижасида Биби-Хоним мақбараси атрофи ўз тарихий қиёфатига эга бўлди. Мақбаранинг йиқилиб тушган гумбази қайта тикланди, ҳозирда Амир Темур жомеъ масжиди ва Биби-Хоним мақбараси барча саёҳатчилар ва зиёратчилар учун муқаддас зиёратгоҳларга айлантирилди.

Қадимий Самарқандга ташриф буюрган меҳмонлар дастлаб, Амир Темур, Мир Сайид Барака, Мирзо Шохрух, Мирзо Мироншоҳ, Муҳаммад Султонлар абадий уйқуда ётган Амир Темур мақбарасига ташриф буюрадилар. Мустақиллик даврида бу ерда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Тарихий манбаларда ёзилишига, мақбаранинг икки ёнида Муҳаммад Султон томонидан барпо қилинган мадраса ва хонақоҳ бўлган. Вақтлар утиши билан бу икки иншоат вайрон бўлиб, уларнинг пойдовари кўмилиб кетган эди⁶. 1994-1996 йилларда Амир Темур мақбараси атрофида олиб борилган археологик тадқиқотлар туфайли Муҳаммад Султон қурдирган мадраса ва хонақоҳнинг пойдеворлари тўлиқ очилиб урганилди ва консервация қилинди. Айни вақтда амир Темур мақбарасининг жануби-шарқ томонида сақланган Оқсарой мақбарасида ҳам катта таъмирлаш ишлари олиб борилдиким бу ҳақда алоҳида тўлхталмоқ лозимдир.

⁵ А.Атаҳаджаев “Археологические исследования в Узбекистане” 2004-2005 г. Выпуск-5. Шоҳизиндинского отряда в 2004 г. Издательство “ФАН” Т., 2006, 40-46 стр.

⁶ А.Э.Бердимуродов “Амир Темур мақбараси”. Т., 1996, 8-23-бетлар.

Яқин-яқинларгача кўлчилик Оқсарой мақбараси ҳақида ҳеч нарсани билмас эди, чунки бу обида хароба ҳолатда, ҳовли жойлар ўртасида қолиб кетган эди. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармаси томонидан олиб борилган таъмирлаш ишлари натижасида мақбара тўлиқ тикланиб ўз тарихий киефасига қайтарилди. Бугунги кунда Оқсарой мақбараси зиёратчилар учун ҳамиша очик.

Худди шундай ободончилик ва таъмирлаш ишлари Руҳобод мақбарасида ҳам олиб борилиб, мақбара атрофи очилди, деворларнинг атрофидаги ерлар пасайтирилиб нами йўқотилди. Бу тадбирлар натижасида Руҳобод мақбараси ўз тарихий кўринишига эга бўлди.

Мустақиллик даврида нафақат Самарканд шаҳри ичидаги маданий мерос объектларига ғамкўрлик қилинди, балки шаҳар атрофидаги тарихий обидаларда ҳам катта таъмирлаш ишлари олиб борилди. Маълумки, Пайарик туманидаги Хартанг қишлоғида ислом оламининг энг машҳур сиймоларидан бири, Имом ал Бухорийнинг қабри, бу ерга қурилган масжид ва чиллахона сақланган эди. Аммо, советлар даврида бу муқаддас зиёратгоҳ ташландик, хароб аҳволга тушиб қолган эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Президентимизнинг кўрсатмаси билан бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари бошланди. Имом ал-Бухорий қабри устига ҳашаматли мақбара, айвонлар ва кўшимча иншоотлар барпо қилинди. Ҳозирги кунда бу улуғ жой ислом оламида келадиган барча зиёратчилар учун муқаддас зиёратгоҳга айланган.

Худди шундай ободончилик ишлари Мухдуми Аъзам Дахбедий ва унинг авлодлари дафн этилган Оқдарё туманидаги Дахбед курғонида ҳам олиб борилди. Ислом таълимотининг ривожига катта ҳисса қўшган Махдуми Аъзам ва унинг авлодлари дафн этилган мақбара, бу ердаги масжид ва хонақоҳ ҳам хароба аҳволда эди. Олиб борилган илмий тадқиқотлар ва ободончилик ишлари натижасида қабртошлардаги ёзувлар аниқланиб ўқилди, қабрларнинг атрофлари тозаланди ва масжид ҳам таъмирдан чиқарилди. Ҳозирда бу жой ҳам халқимиз учун муқаддас зиёратгоҳга айланган.

Самарқанд тупроғида жуда кўплаб азиз-авлиёлар абадий уйкуда ётибдилар. Буларнинг ичида уч дин вакиллари: мусулмонлар, христианлар ва яҳудийлар бирдек қадрлайдиган Дониёр-Даниел пайғайбар қабридир. Афросиёб шаҳарчасининг шарқий томонида, Сиёб ариғининг чап қирғоғида сақланган бу мақбара ҳам советлар даврида хароба аҳволда эди. 2012-2013 йилларда бу ерда олиб борилган ободончилик ишлари натижасида мақбара таъмирланиб, унинг атрофи батамом обод қилинди, Сиёб ариғининг қирғоқлари таъмирланди. Ҳозирда буерга келган зиёратчилар мақбаранинг бугунги кўринишини кўриб лол қоладилар.

Утган йили яна бир хайрли ишга қўл урилди. Вилоятимиз ҳокими З.Т.Мирзаевнинг кўрсатилиши билан Пахтачи туманидаги Дабусия ёдгорлигида XVI асрда барпо қилинган Имом Баҳра ота мақбарасида улкан

таъмирлаш ва ободончилик ишлари олиб борилди. Ушбу мақбара ҳар томонлама обод қилиниб ўз тарихий қиёфасига қайтарилди⁷.

Хулоса қилиб шунини айтишимиз лозимки, халқимиз кўлга киритган Мустақиллик Самарқанд шаҳри ва вилоятидаги маданий мерос объектлари тақдирида катта бурилиш ясади. Президентимизнинг кўрсатмалари билан Самарқанд шаҳри ва ундаги ноёб обидалар ўз тарихий қиёфасига қайтди. Улар ҳар томонлама тўлиқ таъмирланиб зиёратгоҳларга айлантирилди. Халқимиз бундай хайрли ишлардан жуда мамнун бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч”. Т., 2008, 165-бет.
2. 2001 йил 30 августда №269-II-сонли “Маданий мерос объектларини муҳофаза ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент ш.
3. 2009 йил 13 октябрда №ЎРҚ-229-сонли “Археологик мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент ш.
4. Чокардиза буйича ҳисобот. Ф.4 О.1. Д.275
5. А.Атаҳаджаев “Археологические исследования в Узбекистане” 2004-2005 г. Выпуск-5. Шохизиндинского отряда в 2004 г. Издательство “ФАН” Т., 2006, 40-46 стр.
6. А.Э.Бердимуродов “Амир Тему́р мақбараси”. Т., 1996, 8-23-бетлар.
Т.Шомуродов, И.Норкуватов “Тарихи музейга туташ шаҳар” “Зарафшон” газетаси 2013 йил 16-ноябр №138 (22.296).

⁷ Т.Шомуродов, И.Норкуватов “Тарихи музейга туташ шаҳар” “Зарафшон” газетаси 2013 йил 16-ноябр №138 (22.296).